



БИЛДИРИШНОМА:

ТЎЛАНАДИГАН КАСАЛЛИК ТАЪТИЛИ ҚОНУНИ: ПИТСБУРГ ШАҲАР ҚОНУНИ, 626 БОБИ

Питсбург шаҳрининг Тўланадиган касаллик таътили қонунига ("Қонун) асосан, Иш берувчилар талабга мос келувчи Ходимларга, улар ўзлари ёки оила аъзоларига касаллик, жароҳат ёки саломатликка оид муаммоларга дуч келганда қарашлари ёки соғлиқни сақлашга оид фавқулодда ҳолатда ёки оила аъзоси юқумли касалликка учраганда унга қараш учун тўланадиган вақт ажратишлари лозим. (Рухсат этилган қўлланилиш ҳолатларининг тўлиқ рўйхати учун Питсбург шаҳри қонуни, 626.04 боби билан танишинг; шунингдек, Қўлланиладиган таърифлар актини бошқариш учун чиқарилган Қонун ва Йўриқномалар билан танишинг.)

ТЎЛАНАДИГАН КАСАЛЛИК ТАЪТИЛИ ҲУҚУҚИНИНГ ҚИСҚАЧА БАЁНИ

КОРХОНА ҲАЖМИ
(Охирги
ўн икки (12) ой)

Ўн бештадан (15) кам
ходим

Ўн беш (15) ёки ундан
кўпроқ ходим

ҚОНУНГА КЎРА КАСАЛЛИК ТАЪТИЛИ УЧУН ҲИСОБЛАШ СТАВКАСИ	Питсбург шаҳри ҳудудида ишланган ҳар 35 соат учун 1 соат тўланадиган касаллик таътили вақти. ЭСЛАТМА: Қуйидаги кучга кириш санасидан ўтиб бир йил давомида ушбу ставкада фақатгина Тўланмайдиган касаллик таътили ҳисобланиши лозим.	Питсбург шаҳри ҳудудида ишланган ҳар 35 соат учун 1 соат тўланадиган касаллик таътили вақти
ҚОНУНГА КЎРА СТАВКАНИНГ ЮҚОРИ ЧЕГАРАСИ (Эслатма: Иш берувчингиз бундан саховатлироқ таътил сиёсатига эга бўлиши мумкин.)	Агар Иш берувчи бундан кўпроқ вақтни ажратмаса, бир календарь йилида 24 соатдан кўп бўлмаган тўланадиган касаллик таътили вақти. ЭСЛАТМА: Қуйидаги кучга кириш санасидан ўтиб бир йил давомида ушбу ставкада фақатгина Тўланмайдиган касаллик таътили ҳисобланиши лозим.	Агар Иш берувчи бундан кўпроқ вақтни ажратмаса, бир календарь йилида қирқ (40) соатдан кўп бўлмаган тўланадиган касаллик таътили вақти.
КУЧГА КИРИШ САНАСИ	2020 йил 15 март	2020 йил 15 март

Ҳисобланган касаллик таътили вақтини талаб қилган ёки фойдаланган Ходимларни таъқиб қилиш тақиқланади. Агар касаллик таътилини ҳисоблаш ёки ҳисобланган касаллик таътили вақтидан фойдаланиш рад этилиши оқибатида ҳуқуқингиз поймол этилган деб ҳисобласангиз, сиз шаҳар мэрининг тенгликни таъминлаш бошқармасига шикоят қилишингиз мумкин. Батафсил маълумот учун ёки шикоят киритиш учун <https://paysickleave.pittsburghpa.gov> веб сайтига кинринг.

Дастлабки чиқарилган сана: 12/16/2019

Ўзгартирилган сана: 12/17/2019